
“Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тамойили – амалда: Ўзбекистон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Улуғбек Фозиловнинг ҳисоботи

“Солиқчи - кўмакчи” тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фозилов Улуғбек Эгамбердиевичнинг ҲИСОБОТИ

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш ва бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 28 июндаги ПФ-162-сон фармони билан солиқ маъмуриятчилигига қатор ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, **2022 йил 1 июлдан** фойдаланилмаётган кўчмас мулк объектларига **таъсирчан солиқ механизмини қўллаш бекор қилинди**. Шунингдек, ҚҚС маъмуриятчилиги соддалаштириб, мажбурий равишда ҚҚС тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига **ҚҚС гувоҳномаси** солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан **автоматик равишда берилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда**.

Бундан ташқари, юқоридаги фармон билан **2023 йил 1 мартга қадар** ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида товарлар (хизматлар) идентификация кодлари (МХИК)ни нотўғри акс эттирганлик учун **молиявий жарима қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди**.

Албатта, бу каби ўзгаришлар тадбиркорлар қўшимча имкониятлар яратади. Шу ўринда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида Ўзбекистон туман ДСИ ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Айни пайтда мунтазам равишда тадбиркорлар билан турли очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 1-ярмида Ўзбекистон туман ДСИ томонидан **1061 та** тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолари ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлиган **60 та** тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттираемиз. Тадбиркорлар ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан 90-912-27-88 (*Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъбаси*) рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

2022-07-04 18:05:52